

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЯКУБОВА НОДИРАХОН ДАВЛАТБОЙ ҚИЗИ**

**ЖУМБОҚЛИ МАТНЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қўқон – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Philological Sciences**

**Якубова Нодирахон Давлатбой кизи**

Жумбоқли матнларнинг семантик ва прагматик хусусиятлари.....3

**Yakubova Nodirakhon Davlatboy qizi**

Semantic and pragmatic features of enigmatic texts.....28

**Якубова Нодирахон Давлатбой кизи**

Семантические и прагматические особенности энигматических текстов.49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЯКУБОВА НОДИРАХОН ДАВЛАТБОЙ ҚИЗИ**

**ЖУМБОҚЛИ МАТНЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қўқон – 2022**

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В  
2022.2 PhD/Fil 564 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий  
кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.kspi.uz](http://www.kspi.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим  
порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурбонова Муҳаббат Матёкубовна  
филология фанлари доктори, профессор

Ғаниева Дилдора Азизовна  
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар  
институти

Диссертация ҳимояси Қўқон давлат педагогика институти ҳузуридаги  
илмий даража берувчи PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 рақамли Илмий  
кенгашнинг 2022 йил «21» 06 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди.  
Манзил: 150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел: (99873) 542-38-38;  
факс: (99873) 542-11-43; e-mail: [quqondpi@umail.uz](mailto:quqondpi@umail.uz).

Диссертация билан Қўқон давлат педагогика институти Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (8-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:  
150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел: (99890) 508-64-42; e-mail:  
[qfpi\\_arm@umail.uz](mailto:qfpi_arm@umail.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «08» 06 кунни тарқатилди.

(2022 йил «07» 06 да 8 - рақамли реестр баённомаси).



Д.Набиева

Илмий даража берувчи илмий  
филол. ф.д., профессор

В.Каримова

Илмий даража берувчи илмий  
филол. ф.б.ф.д.(PhD)

Ш.Искандарова

Илмий даража берувчи илмий  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида кейинги йилларда прагмалингвистик тадқиқотлар базасида янги-янги концепциялар пайдо бўла бошлади. Энигматика масаласи дастлаб фалсафий нуқтаи назардан ўрганилган бўлса, кейинчалик тилшуносликда янги парадигма – антропоцентризм негизида тилнинг прагматик хусусиятлари доирасида имплицитлик назарияси, энигматик ва дейктик концепциялар майдонга келди. Матн ичидаги имплицит (яширин) ҳамда энигматик (жумбоқли) структуранинг лингвопрагматик жиҳатдан ўрганилиши антропоцентрик парадигма ривожига олиб келди. Энигматик матнлар тараққиёти ва унинг тилшуносликда ўрганилиши прагмалингвистика йўналишининг амалий жиҳатдан бойишига хизмат қилади.

Дунё тилшунослигида жумбоқли матнларнинг илк бор ўрганилиши эрамиздан олдинга асрларга бориб тақалади. Энигматик матннинг энг қадимий тури бўлган топишмоқларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш IV асрдан бошланган бўлиб, Аристотелнинг метафора назарияси асносида топишмоқшунослик илми ривожланди. Ҳозиргача жаҳон тилшунослигида амалга оширилган изланишларда асосий эътибор илмий, бадиий, диний мазмундаги матнларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, энигматик матнлар лингвопрагматикаси, ундаги имплицит структура ва дейктик хусусиятлар етарлича тадқиқ этилган эмас. Энигматик матнларнинг лисоний ва прагматик хусусиятларини ўрганиш тилшуносликнинг яна бир янги тармоғи – энигматиканинг ривожланиши ва такомиллашуви учун назарий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда тил бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, илм-фан соҳасидаги туб ўзгаришлар тилшунослик йўналишларининг энг устувор вазифаларини белгилаб берди. «Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳоли нутқ маданиятини ошириш, шунингдек, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларга фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш»<sup>1</sup> жиҳатидан матн масалалари тадқиқига тизимли ёндашув, уларни жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда талқин этиш муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, ушбу фикрлар тилимизда мавжуд бўлган жумбоқли матнларга ҳам дахлдордир. Маълумки, дунёдаги барча табиий тилларда эксплицит ва имплицит структуралар ўзаро фарқланади. Фикрлар ифодасида имплицит структура муҳим амалий аҳамият касб эта бошлади. Бугунги кунга қадар ўзбек тилшунослигида олиб борилган изланишларда энигматик матнларнинг лингвопрагматик хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса ушбу тадқиқот мавзусининг махсус ўрганилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»; 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6084-сонли Фармони. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. –Тошкент, 2020 йил 20 октябрь

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таркибида жумбоқ яширинган матнларнинг илк бор ўрганилиши эрамиздан аввалги асрларга бориб тақалади. Топишмоқларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш IV асрдан бошланган бўлиб, айнан Аристотелнинг метафора назарияси асносида топишмоқшунослик илми ривожланди. Бу масалаларга дастлаб файласуфлар нуктаи назаридан қаралган бўлса, кейинроқ эса тилшуносликда янги парадигма – антропоцентризм негизида прагматик лингвистиканинг хусусиятларини ўрганиш жараёнида имплицитлик назарияси, энигматик ва дейктик концепциялар вужудга келди. Имплицит структурага оид илк илмий-назарий фикрлар грамматик олимлар С.Д.Кацнельсон, Е.И.Шендельс, А.В.Бондарко, Т.В.Булыгина, А.А.Зализняк, М.К.Тимофеева, Г.В.Чернов<sup>2</sup> изланишларида кўзга ташланади. Синтактик семантика бўйича тадқиқотлар олиб борган Н.Д.Арутюнова, Е.В.Ермакова, Л.В.Лисоченко, Ю.С.Мартемянов, Г.Г.Почепцов, И.П.Сусовлар имплицитлик ходисасининг ўзига хос жиҳатларини<sup>3</sup> ажратиб кўрсатдилар.

Ҳар қандай имплицит ёки энигматик структура муайян контекст, матнга эҳтиёж сезишини инобатга олсак, матн тилшунослиги соҳаси тараққиётига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу йўналишда даставвал жаҳон тилшунослигида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. В.Г.Адмони, Н.Ф.Алефиренко, И.В.Арнольд, Н.С.Валгина, Е.А.Гончарова, Ю.М.Лотман, З.Я. Тураева, К.А.Филиппов, О.И.Москальская, Л.М.Лосева, В.В.Одинцов, И.Р.Гальперин, Л.А.Новиков<sup>4</sup> каби олимлар айнан матн лингвистикасининг тадқиқотчилари ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида эса А.Ғуломов, М.Асқарова, И.Расулов, А.Мамажонов, М.Тўхсонов, Н.Турниёзов, М.Ҳакимов, Э.Қиличев, М.Абдупаттоев, М.Йўлдошев, М.Қурбонова<sup>5</sup> каби олимлар

<sup>2</sup> Қаранг: Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972. – 213 с.; Шендельс Е.И. Имплицитность в грамматике // сб. науч. тр. МГПИИЯ им. М. Горького, 1977. – 7 с.; Бондарко А.В. Грамматическое значение и смысл. – Л.: Наука, 1978. – С.175; Булыгина Т.В. К построению типологии предикатов в русском языке // Семантические типы предикатов. – М: Наука, 1982. – С.7-85; Зализняк А.А. Значение новгородских берестяных грамот для истории русского и других славянских языков//Вестник Академии наук СССР, 1988. – №8. – С.92-100; Тимофеева М.К. Статья. О границах и содержании прагматики; Чернов Г.В. Статья.Контекстно-свободная и контекстно-связанная имплицитивность и проблема переводимости

<sup>3</sup> Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известия АН СССР. Сер. литературы и языка. Т. XXXII. – 1973. – №1. – С.84–89; Ермакова Е.В. Имплицитность в художественном тексте: на материале современной русскоязычной и англоязычной прозы психологического и фантастического реализма. Автор.дисс. ... на соиск.уч.степ.докт.фил.наук. – Саратов, 2010; Борисова Е.Г., Мартемянов Ю.С. (ред.) Имплицитность в языке и речи, Монография. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 200 с. (Studia Philologica). — ISBN 5-7859-0033-5. Скан 600 dpi, текстовый слой; Почепцов Г.Г. Теория коммуникации, Изво "Рефл-бук", ISBN 966-543-062-9 ("Ваклер") оформление, 2001; Сусов И.П.Лингвистическая прагматика. Монография. – Винница: Нова Книга, 2009. – 272 стр.

<sup>4</sup> Қаранг: Адмони В.Г. Основы теории грамматики. – М.-Л., 1964; Алефиренко Н.Ф., Голованева М.А., Озерова Е.Г., Чумаков-Жунь И.И. Текст и дискурс. Учебное пособие. – М: Флинта, 2013; Арнольд И.В. Семантика, стилистика, интертекстуальность. СПб, СПбГУ,1999; Валгина Н.С. Теория текста. – М.: "Логос".2003; Гончарова Е.А. Текст в парадигмах гуманитарного знания. Учебное пособие. СПб: "Книжный дом", 2006; Лотман Ю.М. Чему учатся люди. Статьи и заметки. – М.: Центр книги ВГБИЛ им. М.И.Рудомино, 2009; Тураева З.Я. Лингвистика текста. – М.: Просвещение, 1986; Филиппов К.А. Лингвистика текста, СПб, 2003; Москальская О.И. Грамматика текста. Пособие по грамматике. – М.: Высшая школа, 1981; Лосева Л.М. Как строится текст. Пособие для учителей. – М.: Просвещение,1980; Одинцов В.В. Стилистика текста. – М.: Наука, 1980; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. Монография. – М.: Наука, 1981; Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – М.: ЛКИ, 2007.

<sup>5</sup> Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987; Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент, 1983;

матннинг семантик, грамматик, стилистик ва прагматик структураси тўғрисида изчил тадқиқотлар олиб бордилар.

Структурал жиҳатдан айнан энигматика масалалари жаҳон тилшунослигида С.Я.Сендерович, Э.Кёнгёс-Маранда, Р.Петш, А.Тэйлор, Р.Джордж, А.Дандес, Т.Грин, В.Пепичелло, И.Хэмнетт, Ч.Скотт, Р.Д. Абрахамс<sup>6</sup> ишларида атрофлича тадқиқ этилган. Ўзбек тилшунослигида З.Хусаинова, Ж.Абдуллаев, М.Сапарниязова, У.Қобулова<sup>7</sup> кабилар бу йўналишда илк монографик тадқиқотларини олиб бордилар. Бироқ бугунги кунга қадар олиб борилган изланишларда энигматик матнларнинг лингвопрагматик хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса ушбу тадқиқот мавзусининг монографик планда ўрганилишини тақозо этади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий тилшунослик муаммолари” мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** энигматик матнларнинг лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ этиш, бу каби матнлар таркибидаги имплицит структура ва дейктик белгиларни аниқлаш ҳамда энигматик матнларни тавсифлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон тилшунослигида имплицит ва энигматик структура бўйича олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш, уларда энигматик матнлар бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш;

энигматик матн тушунчасини тавсифлаш;

энигматик матннинг бошқа матн турларидан фарқланувчи лисоний ва прагматик хусусиятларини белгилаш;

жаҳон тилшунослигида мавжуд имплицит структура ҳақидаги қарашларга муносабат билдириш;

энигматикага оид терминларнинг семантик хусусиятларини ёритиш;

энигматик матнларга хос прагматик ифодаларни дейктик бирликлар асосида тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Ўзбек халқ топишмоқлари” (М.Абдурахимов муаллифлигида тузилган 1000 га яқин топишмоқлар) тўплами материаллари танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек тилига оид энигматик матнлар ва турли тилларга оид айрим имплицит ҳамда дейктик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини ёритишда лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, функционал-семантик, прагматик, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

---

Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Ҳакимов М. Ўзбек тили матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: АКД. – Тошкент, 1993; Қурбонова М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2014; Қиличев Э. Ўзбек тили амалий стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Абдулаттоев М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар: НДА. – Тошкент, 1998.

<sup>6</sup> Сендерович С.Я. Морфология загадки. – М., 2008; Кёнгёс-Маранда Э. Логика загадок / Н.Кузьмина таржимаси // Паремнологический сборник. Пословица. Загадка (структура, смысл, текст). – М., 1978; Taylor A. English Riddles from Oral Tradition. Berkley. – Los Angeles, 1951; Georges R. A., Dundes A. Toward a Structural Definition of the Riddle // The Journal of American Folklore, 1963. Vol. 76. – №300; Green T.A., Pepicello W.J. The Folk Riddle: A Redefinition of Terms // Western Folklore, 1979. Vol. 38. – № 1; Abrahams R. D., Dundes A. Riddles // Folklore and Folklife: The Introduction. University of Chicago Press, 1972. – P.131

<sup>7</sup>Қаранг: Хусаинова Зубайда. Ўзбек халқ топишмоқларининг асосий хусусиятлари ва замини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1967; Абдуллаев Ж. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1993; Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2005; Қобулова У. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати (ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 2007.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

энигматикага оид матнларнинг лингвопрагматик тадқиқи натижасида олинган хулосалардан матн тилшунослиги, когнитив лингвистика, лингвопрагматика, дейктика каби соҳаларга доир тадқиқотлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

энигматик матнларнинг лингвопрагматик хусусиятларига оид таҳлиллар дейктика билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, энигматик матнларга оид лексик бирликлар шу турдаги терминологик луғат яратишда манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

энигматик матнларнинг услубий-функционал хусусиятларига оид натижалар прагмалингвистика, когнитив лингвистика ва матн тилшунослиги соҳалари учун муҳим назарий қарашларнинг шаклланишига асос бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

жумбоқли матнлар таркибидаги энигма ифодалаш усулларига кўра имплицит структуралардан ташқари эксплицит структуралар орқали ҳам шакллантирилиши аниқланган;

энигматик матнларнинг семантик, прагматик ва эвристик томонлари очиб берилиб, ўзбек тилидаги энигматик матнларнинг бошқа матн турларидан фарқли бўлган когнитив ва культурологик каби мазмуний ҳамда содда ва қўшма гаплар каби шаклий-структурал хусусиятлари очиб берилган;

энигматик матнларга оид шахс, замон ва макон каби дейктик бирликлар аниқланиб, ўзбек тилидаги топишмоқ матнлари лингвопрагматикаси дейктик ҳодисалар орқали далилланган;

топишмоқлар таркибидаги белгилар сони бўйича ажратилиши жумбоқларнинг ўйин мотивини оширишига кўра уларнинг мураккаблик даражасини белгилашга асос бўла олиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация мавзуси юзасидан республика ва халқаро миқёсдаги конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журнал ва хорижий илмий журналларда нашр этилган мақолалар, тадқиқот хулосалари, таклиф ва тавсияларининг амалиётга жорий этилганлиги, қўлланилган тадқиқот усулларининг асослилиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, хулосаларнинг қатъийлиги, энигматик матнларнинг прагматик таҳлиliga имплицитлик ва дейктика асосида ёндашилганлиги, илмий-назарий таҳлилларнинг далилланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда энигматик матнлар лингвопрагматик асосда тадқиқ этилган бўлиб, у имплицитлик, дейктиклик, нутқий актлар назарияси, терминология билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдиради ва кенгайтиради. Ўзбек лингвистикасининг назарий жиҳатдан тараққий топишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – ундан матн тилшунослиги, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, лингвокультурология, социолингвистикага доир тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг назарий таклифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари куйидагиларга татбиқ этилган:

жумбоқли матнлардаги адресант ва адресат ўртасидаги коммуникатив муносабатлар, бу каби муносабатларда савол-жавоб структурасининг мавжудлиги, энигматни топиш ментал жараёнлар маҳсули эканлиги ва бу ҳолат тафаккур билан боғлиқ тил имкониятлари борасидаги хулосалардан Қўқон давлат педагогика институтида 2016-2019 йилларда бажарилган 574097-ЕРР-1-2016-1СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЈР рақамли “REUCVET:Россия ва Ўзбекистон таълим ва ўқитиш миллий тизимларида Европа кредит амалиёт тизимига (ECVET) ўтишни синондан ўтказиш” мавзусидаги халқаро фундаментал лойиҳа амалиётида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги 89-02-1450-сон маълумотномаси). Натижада энигматик матндаги имплицит

структура, шахслараро коммуникатив мулоқот, борлиқдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабат масалалари илмий далиллар билан бойитилган;

тилнинг энигматик структурасини ўрганишда дейктик системанинг ўрни, дейкис ва анафора ҳодисаларининг умумий ва хусусий жиҳатлари, дейктик белгилар ҳамда уларни тилнинг турли сатҳларида турли бирликлар билан ифодалаш масалалари каби прагмалингвистиканинг замонавий йўналишлари ҳақида берилган хулоса ва тавсиялардан “Прагмалингвистика асослари” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада дарслик назарий ва амалий маълумотлар билан бойиган;

сир-синоат яширинган жумбоқли матнларнинг ўзбек тили ва адабиёти, бадиий-эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни асослаб берилиши, ушбу типдаги матнлар, хусусан, топишмоқларнинг ўзбек назарий тилшунослигида ёритилиш масалалари, улардаги савол ва жавоб структураларининг тадқиқига доир илмий хулосалардан 2021-2022 йилларда Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг “Минг бир мавзу” кўрсатуви ҳамда “Хайрли оқшом”, “Оила мактаби”, “Кун мавзуси” номли Фарғона радиоэшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 15 февралдаги 30-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек халқига хос бадиий-эстетик тафаккур маҳсули бўлган жумбоқли матнлардан фойдаланиш мазкур кўрсатув ва эшиттиришларни маънавий-маърифий ҳамда миллий жиҳатдан бойитган, халқчиллигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 135 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Тилнинг имплицит структураси**” деб номланган биринчи бобида тил системасидаги белгиларнинг эксплицит ва имплицитлик хусусиятлари, импликация ҳодисасини талқин қилишнинг назарий асослари ҳамда жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги матн назарияси масалалари тадқиқ қилинган.

Биринчи бобнинг биринчи фасли “**Тилшуносликда имплицит структура тадқиқи**” деб номланиб, унда имплицит маъно тушунчаси ва имплицитликнинг турли тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган талқинлари баён этилган.

Профессор А.Нурмоновнинг лингвистик прагматиканинг умумназарий масалалари ҳақидаги фикрларини ривожлантирган ҳолда тилшунос М.Ҳақимов ўзининг “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” номли монографиясида асосий прагматик тушунчалар: ифоданинг ошкора ва яширин шакллари, коммуникатив ният, тагмаъно, сўзловчининг объектив оламни ҳис қилиш даражаси ва фикрнинг ифода плани нутқ субъекти билан

боғлиқ ҳолда ўрганилиши<sup>8</sup>ни таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, сўзлашувчилар нутқида учрайдиган яширин (имплицит) маъноларни тушуниш, кодланган лингвистик ва нолингвистик белгиларнинг мазмуний ифодаларини очиш муҳим саналади.

Матннинг прагмалингвистик таҳлилидаги энг муҳим жиҳатлардан бири имплицит структурадир. Яширин маъно – бу, реципиентга дарҳол ошкор этилмайдиган, балки у томонидан қабул қилинган тил бирликлари, гаплар ва матн қисмларининг маълум қоидаларга мувофиқ талқин қилиниши, муайян ментал жараёнлар натижасида юзага келадиган ўзига хос структура саналади. Бу структурага лисоний ва нолисоний кодлар орқали ифодаланган матн ортидаги барча имплицитив бирликлар киради. Имплицитив таркиб эса луғавий, пропозитив, пресуппозицион, контекстуал бирликлар ва нутқий актлар ҳисобига мукаммалашади.

Матнда ошкора таъкидланмаган маънолар тасвири учун хизмат қиладиган воситалар имплицит структурани шакллантиради. Фикрлар ифодасида имплицит структура муҳим амалий аҳамият касб эта бошлади. Мулоқот жараёнида нутқ иштирокчилари томонидан узатиладиган хабарларнинг ҳаммасини ҳам очиқ структурада бериб бўлмайди. Коммуникатив вазиятда айрим фикрларни очиқ-ошкора ифодалаш билан бирга, баъзиларини матн ортида, мазмуний структурага ғилофлаган ҳолда беришга эҳтиёж сезилади. Мана шу эҳтиёжлар натижасида сўзлашувчилар юқоридаги ҳодисалардан унумли фойдаланадилар. Буларни ўрганиш эса тилшуносликда янги изланишларни амалга оширишга йўл очади. Айнан “имплицит структура” термини прагмалингвистика соҳаси учун энг асосий масалалардан саналади. Бу термин концептуал жиҳатдан матннинг прагматик тадқиқи ва таҳлили учун илмий асос ҳисобланади.

Яширин мазмуний структураларни лисоний ҳодиса сифатида ўрганиш анча аввал бошланган бўлиб, у дастлаб тилшуносликнинг грамматик сатҳида кўзга ташланди. Бу концепция йирик тилшунослар С.Д.Кацнельсон, Е.И.Шендельс, А.В.Бондарко, Т.В.Булыгина, А.А.Зализняк, М. К. Тимофеева, Г. В. Чернов<sup>9</sup> каби олимлар қарашларида ўз ифодасини топди.

Н.Д.Арутюнова, Е.В.Ермакова, Л.В.Лисоченко, Ю.С.Мартемьянов, Г.Г.Почепцов, И.П.Сусов<sup>10</sup> лар томонидан синтактик семантика соҳасида олиб борилган изланишлар тилдаги имплицитлик ҳодисасини тавсифловчи махсус хусусиятларни аниқлаш имконини берди.

Т.Ф.Ефремованинг “Рус тилининг энг тўлиқ замонавий изоҳли луғат”ида “имплицит” сўзи (франц. *Implicite* ёки латинча *implicitum*) “яширин”, “тахмин қилинадиган”, “аниқ ифода этилмаган”, “назарда тутилган” (“скрыто содержащийся”, “подразумеваемый”, “невыраженный”, “неразвернутый”)<sup>11</sup> каби маъноларни англатиши келтириб ўтилади. Бунда адресант ўз фикрларини очиқ баён қилмасдан, аксинча,

<sup>8</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Монография. –Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.21.

<sup>9</sup> Қаранг: Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972 — 213 с.; Шендельс Е. И. Имплицитность в грамматике // сб. науч. тр. МГПИИЯ им. М.Тореза, 1977. – 7 с.; Бондарко А.В. Грамматическое значение и смысл. – Л.: Наука, 1978. – 175 с.; Булыгина Т.В. К построению типологии предикатов в русском языке // Семантические типы предикатов. – М: Наука, 1982 – С.7-85; Зализняк А.А. Значение новгородских берестяных грамот для истории русского и других славянских языков // Вестник Академии наук СССР, 1988. – №8. – С.92-100; Тимофеева М.К. Статья. О границах и содержании прагматики; Г.В. Чернов Статья. Контекстно-свободная и контекстно-связанная имплицитивность и проблема переводимости

<sup>10</sup> Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известия АН СССР. Сер. литературы и языка. Т. XXXII. – 1973. №1. – С.84–89; Ермакова Е.В. Имплицитность в художественном тексте: на материале современной русскоязычной и англоязычной прозы психологического и фантастического реализма: Автор. ... дисс. на соиск.уч.степ.докт.фил.наук. – Саратов, 2010; Борисова Е.Г., Мартемьянов Ю.С. (ред.) Имплицитность в языке и речи, Монография. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 200 с. (Studia Philologica). — ISBN 5-7859-0033-5. Скан 600 dpi, текстовый слой; Почепцов Г.Г. Теория коммуникации, Изво "Рефл-бук", ISBN 966-543-062-9 ("Ваклер") оформление, 2001; Сусов И.П.Лингвистическая прагматика. Монография. – Винница: Нова Књыга, 2009. – 272 стр.

<sup>11</sup> Ефремова Т.Ф. Самый полный современный толковый словарь русского языка. – М.: АСТ, Астрель, 2015.

нималаргадир ишора қилади. Шу билан бирга, у адресатда имплицит фикр англашилиши учун муайян ассоциацияларни ҳам уйғота олиши зарур.

М.В.Никитин ўз асарларида импликацияни “концептуал боғланишлар тури”<sup>12</sup> деб атайди. А.В.Бондарко эса имплицитлик муаммосига кенгроқ тўхталади. Унинг мазмуний компонентларини “аниқ лисоний воситалар билан бевосита ифодаланмасдан, эксплицит ифодаланган семантик элементлар, уларнинг муносабати ва таъсиридан келиб чиқади”,<sup>13</sup> дея таъкидлайди.

Тилдаги имплицит маънолар шу тилда сўзлашувчининг лисоний тафаккурида аввалдан мавжуд тайёр когнитив схемалар ёрдамида эксплицит маънолардан ажратиб олинади<sup>14</sup>. Табиийки, матндаги яширин маъноларни идрок этувчи бу каби ментал схемаларни рецептив схемалар ёки тушуниш моделлари, деб атайдилар. Бу каби когнитив схемалар ёш ва мулоқот тажрибасига эга бўлган инсонлар онгида шаклланади (онтолингвистикага кўра, 12 ёшгача бўлган болалар, одатда, ифоданинг фақат вербал қисмини, эксплицит маъносини идрок қилишади, бироқ яширин маъносини тушунишмайди).

Олимларнинг таъкидлашича, “рецептив схемалар тил ташувчиларининг лисоний тафаккур мулкидир. Уларни такрорлаш ва жамиятда мунтазам равишда қўллаш зарурки, токи улар шу тилда сўзлашувчилар учун яширин маънони аниқлаш механизми бўлиб хизмат қилсин”<sup>15</sup>.

Нутқда актуаллашган лексик, семантик ва структур бирликларни тадқиқ этиш нафақат нутқда ифодаланган, балки зоҳирий ифодаланмаган, яширин маъноларни ўрганиш билан ҳам боғлиқдир. Нутқнинг характерли жиҳатларидан яна бири унинг яширин табиати бўлиб, у воқеа-ҳодисаларни номлашда денотатнинг баъзи элементларини эксплицит тарзда намоён эта олмайди. Кўп ҳолларда ифода шакллариининг аксарияти имплицит кўринишда юзага чиқади, яширин маъно ифоданинг таркибий қисмига сингиб кетади.

**“Имплицитлик прагмалингвистик категория сифатида”** деб номланган биринчи бобнинг иккинчи фаслида жаҳон ва рус тилшунослигида ишлаб чиқилган тадқиқотларга муносабат билдирилиб, бугунги кунда имплицит (яширин) маъноларни ўзбек тилшунослигида ўрганиш зарурияти илмий асосланган.

Тилшуносликда, хусусан, прагмалингвистикада имплицитлик масаласи “алоҳида олинган нутқдан ундан кутилгандан кўра кўпроқ маълумот олиш, маъно қирраларини очиш”<sup>16</sup> тушунчаси туфайли пайдо бўлди. Воқеликни тўғридан-тўғри ёки кўчма маънода баён қилиш усуллариини таҳлил этиш “тилда мавжуд бўлган мазмун плани бирликлари ва ифода плани бирликлари ўртасидаги муносабатлар асимметриясининг кўринишларидан бўлган яширин, имплицит категориялар” билан бевосита боғлиқдир<sup>17</sup>. Ифоданинг имплицит табиати бир қатор фундаментал тадқиқотларда қайд этилганидек, шакл ва мазмун асимметрияси ёки тил ва тафаккур ўртасидаги муайян номувофиқликлар орқали намоён бўлади.

Жаҳон ва рус тилшунослигида имплицитлик ҳодисасини талқин этишда бир қанча назарий концепциялар ишлаб чиқилган:

1. “Яширин грамматика”<sup>18</sup> масалаларини тадқиқ этган тилшунослар грамматик шаклларда бир қатор яширин маъноларнинг мавжудлигини эътироф этишади. Чунончи, Е.Н.Старикова семантик эллипсис ҳодисасини ҳисобга олган ҳолда имплицитликни

<sup>12</sup> Пирогова Ю. К. Проблемы прикладной лингвистики. – М., 2001.

<sup>13</sup> Бондарко А.В. Грамматическое значение и смысл. – Л.: Наука, 1978. – С.175.

<sup>14</sup> Баранов А.Н. Лингвистическая экспертиза текста. Теоретические ос-нования и практика. – М., 2007. – 452 с.

<sup>15</sup> Стернин И.А. Анализ скрытых смыслов в тексте. Учебное пособие. – Воронеж, 2011. – С.14.

<sup>16</sup> Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. – М.: Изд-во МГУ, 1976. – 206 с.

<sup>17</sup> Старикова Е.Н. Имплицитная предикативность в современном английском языке. – Киев: Вища школа, 1974. – 3 с.

<sup>18</sup> Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. Монография. – М.: Наука, 1972. – 213 с.

“элементларнинг формал ифодаланмаслиги”<sup>19</sup> деб атайди, чунки баъзан муайян элементларнинг тушиб қолиши гапнинг грамматик структураси ва тушунарлилигига дахл қилмайди.

2. Имплицитликни семантик ва морфологик жиҳатдан тушуниш (яъни грамматик ва лексик-грамматик категорияларнинг формал воситалар билан ифодаланмаслиги) Б.Уорф гап таркибида формал ифодаланмайдиган яширин категорияларни ва формал ифодага эга бўлган очик категорияларни ажратади. У феълнинг ўтимли ва ўтимсизлик шакли (transitive and intransitive verbs) ҳамда инглиз тилидаги отларнинг род категориясини имплицит категориялар қаторига қўшади<sup>20</sup>.

3. Имплицитлик лексик ва семантик сатҳ бирликлари учун ҳам хос деган қараш мавжуд бўлиб, сўз бир пайтнинг ўзида ҳам умумийлик, ҳам индивидуаллик, ҳам хусусийликни билдиради. Сўз матндан ташқари алоҳида олинганда, умумий, барчага маълум лексик маънони англатса, муайян контекст ичида яширин маънони, ўзига хос семантикани юзага келтиради<sup>21</sup>.

4. Кенг тарқалган яна бир концепцияга кўра, имплицитлик гап таркибида алоҳида компонентлар ёки бўғинларнинг тушириб қолдирилиши натижасидир. Баъзи тилшуносларнинг фикрига кўра, имплицитлик фақат семантик эллипсизга хосдир, бунда грамматикадан фарқли ўлароқ, гап таркибий қисмларининг тушириб қолдирилиши сўз бирикмалари ўртасидаги боғланишларнинг бузилишига олиб келмайди<sup>22</sup>.

5. Имплицитлик пресуппозициялар билан белгиланадиган назарияга кўра, гап семантик тузилишининг новербал боғланишлари яширин пресуппозициялар деб юритилади ва баъзан гапнинг коннотатив элементлари қаторига киради. Пресуппозицияларнинг мавжудлиги воқеликни, сўзнинг таъсирчанлигини олдиндан белгилаб беради<sup>23</sup>. Лингвистик адабиётларда мантикий категорияларни акс эттирувчи пресуппозициялар масаласига катта эътибор берилади. Пресуппозициялар фақат гапнинг яширин коннотатив элементларини эмас, балки сўз маъносининг коммуникатив жиҳатдан алоқадор бўлмаган компонентларини ҳам ўз ичига олади. Лекин имплицитлик пресуппозиция билан айна бир ҳодиса эмас, имплицитлик биз тўғридан-тўғри айтишни истамайдиган ёки айтолмайдиган хабар бўлса, пресуппозиция изоҳлашнинг ҳожати бўлмаган тағбилимдир. М.В.Никитиннинг фикрича, “пресуппозициялар гапда айнан ифодаланмаган импликация бўлиб, нутқий фикрлаш жараёнига қарама-қарши таъсир кўрсатади”<sup>24</sup>. Чунки пресуппозиция фикрнинг эксплицит маъносидан келиб чиқадиган имплицит хабар ёки уларнинг тўпламидир.

Бобнинг учинчи фасли “**Матн тилшунослиги ва имплицит структура**” деб номланади. Маълумки, бутун дунёда илмий ғояларнинг яхлитланиши натижасида турли илмий соҳалар чегарасида янги йўналишлар пайдо бўлиб, шаклланиб бормоқда. Шу маънода матн тилшунослиги йўналиши ҳам ўзининг бир қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Бу соҳада матн лингвистик тадқиқот объекти сифатида эътироф этилмоқда.

Матн тушунчасининг илмий тадқиқот объектига айланиши матн тилшунослигининг доимий муаммоларини ечишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, тадқиқотчилар ушбу муаммоларни ҳал этишда қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу борада матн назариясига оид асосий тушунча ва ғояларни қайта таҳлил қилиш,

<sup>19</sup> Старикова Е.Н. Виды скрытого означивания в английском языке // Содержательные аспекты языковых единиц. – Киев: Вища школа. 1982. – 134 с.

<sup>20</sup> Whorf B.L. Language, Thought and Reality. – Wiley, L.: Chapman & Hall, 1956. – 278 p.

<sup>21</sup> Никитин М.В. Лексическое значение в слове и словосочетании. – Владимир: Владимирск. гос. пед. ин-т, 1974. – 222 с.

<sup>22</sup> Овсянникова Е.В. Основные функции имплицитных смыслов в высказываниях и текстах (на материале англоязычной прозы): Автореф. Дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.04 / РГПУ им. А.И. Герцена. – СПб, 1993, – С.7.

<sup>23</sup> Fillmore Ch.J. Types of Lexical Information // Studies in Syntax and Semantics / Ed. By F. Kiefer. – Dordrecht: Reidel, 1969. – P.120-124.

<sup>24</sup> Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. – М.: Высшая школа, 1988. – 146 с.

айниқса, матн назариясига оид жаҳон тилшуносларининг фикрларини ўрганиш, матннинг таржима билан тадрижий ривожланиш ва шаклланиш босқичларини ҳамда матн таржимасида муқобиллик масалаларига эътибор бериш ҳам муҳим саналади.

Бу борада, айниқса, матнга оид илмий соҳанинг шаклланиши диққатга сазовордир. Бу йўналишда даставвал жаҳон тилшунослигида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. В.Г.Адмони, Н.Ф.Алефиренко, И.В.Арнольд, Н.С.Валгина, Е.А.Гончарова, Ю.М.Лотман, З.Я. Тураева, К.А.Филиппов, О.И.Москальская, Л.М.Лосева, В.В.Одинцов, И.Р.Гальперин, Л.А.Новиков каби олимлар айнан матн лингвистикасининг тадқиқотчилари ҳисобланади<sup>25</sup>.

Ўзбек тилшунослигида эса А.Ғуломов, М.Асқарова, И.Расулов, А.Мамажонов, М.Тўхсонов, Н.Турниёзов, М.Ҳақимов, Э.Қиличев, М.Абдупаттоев, М.Йўлдошев, М.Қурбонова каби олимлар матннинг семантик, грамматик, стилистик ва прагматик структураси тўғрисида изчил тадқиқотлар олиб бордилар<sup>26</sup>. Матн тилшунослиги масалаларига бағишланган ишларда дастлаб матн дефиницияси тўғрисида сўз боради. Шунинг учун ҳам у ёки бу матн қандай тузилади, матн бирликлари нима, уларнинг боғланиши ҳақидаги семантик ва грамматик хусусиятлар тадқиқ этилади.

Матн билан боғлиқ тадқиқотлар майдони турлича бўлиши мумкин. Бу масалани қандай қўйишга боғлиқ. Агар матнларнинг услубий-функционал жиҳатлари ҳисобга олинса, уларга хос хусусиятлар ўрганилади. Мазкур тадқиқотда жумбоқли матнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгиларини ўрганиш тадқиқот предмети сифатида танланади. Масалага кенгроқ ва лингвистик нуқтаи назардан қараш мақсадида “жумбоқли матн”, “энигматик матн” терминларини қўллашни лозим топдик. Сабаби ҳар қандай мавзу текшириш объекти сифатида турли соҳаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Жумладан, жумбоқли матнлар орасида топишмоқ ва чистон адабиётшунослик ва фольклоршунослик соҳалари объекти саналади. Кроссворд билан боғлиқ масалалар эса тилшуносликда деярли ўрганилган эмас. Бу термин остида муайян жумбоқли ифодани ўзида бирлаштирган топишмоқларни, шеърини йўл билан ифодаланадиган жумбоқлар—чистонларни, бундан ташқари, жадвал ва диаграммалар кўринишидаги жумбоқлар, яъни кроссвордлар, ребуслар ва уларнинг субтипларини, мантиқий саволларни бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Топишмоқ, чистон, кроссворд ва мантиқий саволларнинг семантик структураси ўзининг турли хусусиятлари билан матн сифатида шакллантирилади, буларнинг ҳар бирида жумбоқнинг мавжудлиги махсус матнга хос хусусият саналади. Шу жиҳатдан “энигматик матн” термини тилшуносликда ўзига хос тарзда изланиш олиб боришга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Матн тилшунослиги тараққиётининг кейинги босқичларида тадқиқотчилар эътибори матнларнинг савол-жавоб шаклидаги ўйинлар билан боғлиқ турларини ўрганишга қаратилди. Бундай матнларнинг энг оммабоп тури бўлган топишмоқлар

<sup>25</sup> Қаранг: Адмони В.Г. Основы теории грамматики. – М.-Л., 1964; Алефиренко Н.Ф., Голованева М.А., Озерова Е.Г., Чумак-Жунь И.И. Текст и дискурс. Учебное пособие. – М.: Флинта, 2013; Арнольд И.В. Семантика, стилистика, интертекстуальность. СПб, СПбГУ, 1999; Валгина Н.С. Теория текста. – М.: Логос, 2003; Гончарова Е.А. Текст в парадигмах гуманитарного знания. Учебное пособие. СПб: “Книжный дом”, 2006; Лотман Ю.М. Чему учатся люди. Статьи и заметки. Москва. Центр книги ВГБИЛ им. М.И.Рудомино. 2009; Тураева З.Я. Лингвистика текста. – М.: Просвещение, 1986; Филиппов К.А. Лингвистика текста, СПб, 2003; Москальская О.И. Грамматика текста. Пособие по грамматике. – М.: Высшая школа, 1981; Лосева Л.М. Как строится текст. Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980; Одинцов В.В. Стилистика текста. – М.: Наука, 1980; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. Монография. – М.: Наука, 1981; Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – М.: ЛКИ, 2007.

<sup>26</sup> Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987; Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Ҳақимов М. Ўзбек тили матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: АКД. – Тошкент, 1993; Қурбонова М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2014; Қиличев Э. Ўзбек тили амалий стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Абдупаттоев М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар: НДА – Тошкент, 1998.

дастлаб адабиётшунослик, хусусан, фольклористиканинг ўрганиш объекти бўлиб улгурган бўлса-да, кейинроқ бир қатор матншунос олимларнинг нигоҳи айнан топишмоқ матнига қаратилди. Топишмоқлар ҳамда унга ёндош бўлган бошқа жанрлар – чистон ва кроссвордларни жумбоқли матнларнинг тури сифатида санаб ўтиш мулоқот шаклида коммуникатив ҳамкорликнинг махсус режимини яратиш, иштирокчилардан бири қайсидир жумбоқни айтса, бошқасининг уни топиши эвазига ўзида эстетик ва эвристик дунёқарашни шакллантириши, шунингдек, ўзига хос мулоҳазалар, фикрларни ёритиб бериш воситаси сифатида оғзаки ижодкорликнинг битмас-туганмас салоҳиятидан далолат беради. Бу эса жумбоқларнинг жавобини тахмин қила олиш ва халқ тилининг турли шакллари янги позициялардан англашга имкон беради. Шу маънода жаҳон тилшунослигида энигматик матнлар деб юритиладиган жумбоқли матнларни – топишмоқ, кроссворд ва мантикий саволларни матннинг махсус типи сифатида ўрганишни бугунги тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

Диссертациянинг “**Энигматик структура генезиси ва тараққиёти**” номли иккинчи боби мазкур структуранинг келиб чиқиши, ривожланиши, асосан, топишмоқшунослик соҳасидаги тадқиқотларда кроссвордларни энигматик структура сифатида ўрганишга қаратилган.

Иккинчи бобнинг биринчи фасли “**Тилда энигматик структуранинг вужудга келиши**” деб номланиб, унда энигматикага оид терминлар хусусида сўз боради. Маълумки, ҳар қандай тадқиқотнинг асоси унда фойдаланилган терминология билан белгиланади.

“Энигма” сўзи (*грекча* “*ainigma*” баъзи манбаларда *лотинча*) шу номдаги сўздан олинган бўлиб, “жумбоқ”, “бошқотирма”, “яширин, сирли топшириқ” маъноларига мос келади<sup>27</sup>, бу эса ундан тегишли тавсифий бурилишларнинг ўрнини босадиган қулай атамаларни яратишда фойдаланиш имконини беради. Топилиши лозим бўлган воқелик объекти – энигмат, уни рўёбга чиқарувчи муайян матн эса энигматор деб юритилади<sup>28</sup>. Мазкур фикрлар асосида илмий адабиётларга таяниб, топишмоқлар ва кроссвордларни ҳам айнан матннинг махсус тури, яъни энигматик матн деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Топишмоқлар матни гаплардан иборат бўлгани учун уларни ҳеч иккиланишсиз матн деб атай оламиз. Кроссвордларни шаклий жиҳатдан ўз ичига ҳарф, рақам ва график жадвалларни олгани учун ҳам матн деб аташ тўғридир.

Топишмоқ ва кроссвордлар жавобини топишда уларда қўлланган сўзлар семантикасининг аҳамияти ҳам асло кам эмас. Лексик жиҳатдан сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларидан самарали фойдаланиш, тилдаги тасвирий ифода воситаларини ўринли қўллаш топишмоқларни мазмунан бойитибгина қолмасдан, уларнинг ранг-баранглигини, семантик бўёқдорлигини ҳам таъминлайди. Семантик нуқтаи назардан топишмоқ ва кроссвордни номи энигматорда айнан эслатилмайдиган матн, денотат деб ҳам таърифлаш мумкин.

“Денотат” сўзи *лотинча* (“*denotare*”—“белгиламоқ”) сўздан олинган бўлиб, “тил бирлиги ёрдамида номланувчи (аталувчи) воқелик, нарса, буюм” маъноларини ифодалайди. Денотатив маъно эса бевосита денотат билан боғлиқ, уни бевосита билдирувчи маъно саналади<sup>29</sup>.

Коммуникатив нуқтаи назардан эса энигматик типдаги матнларнинг вазифаси адресат, яъни тингловчи ёки ўқувчини керакли объект – денотат номини топишга ундашдир. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, энигматорда ифодаланган матн денотатни ўта тавсифлаб ҳам юбормаслиги керак, акс ҳолда топишмоқ ўзининг ўйин мотивини йўқотади.

<sup>27</sup> Словарь иностранных слов. Гос.издательство иностр.и нац.словарей. – М., 1955. – 814 с.

<sup>28</sup> Денисова Е.А. Структура и функции энигматического текста: дисс.канд.филол.наук. – М., 2008. – С.12.

<sup>29</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б.33.

Жумбоқли матнларнинг энг кўп тарқалган кўриниши топишмоқлар бўлиб, у фольклоршуносликда адабий жанр сифатида ўрганилади. Жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида С.Я.Сендерович, Э.Кёнгес-Маранда, А.Тэйлор, Р.Джордж, Т.Грин, В.Пепичелло, И.Хэмнетт, Ч.Скотт, Р.Д.Абрахамс, А.Дандес<sup>30</sup> кабилар топишмоқлар бўйича тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шу тариха жаҳон тилшунослигида ҳам энигматик матнлар деб юритиладиган жумбоқли матнларни – топишмоқ, кроссворд ва мантикий саволларни матннинг махсус типи сифатида ўрганиш бошланди.

Таъкидлаш зарурки, ҳар қандай тадқиқот ҳам ўзининг хронологияси билан муҳимдир. “Топишмоқ” концептининг тарихий жанр эканлигини таъкидлаш баробарида, шуни айтиб ўтиш лозимки, ушбу атаманинг қачон ва қаерда вужудга келганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Изланишлар шуни кўрсатадики, топишмоқлар тарихи минг йиллар олдинга бориб тақалади. Япония, Хитой ва Тибет давлатларидаги қадимий ибодатхона деворларида ўйилган ёзувлар жумбоқли саволлар эканлиги аниқланган. Ҳозиргача сақланиб қолган энг қадимий инглиз топишмоқлари Месопотамиядан топилган. Шумерликлар томонидан лойтахтачада ёзилган инглиз топишмоқлари милoddан аввалги 235 йилда Лагашдан топилган<sup>31</sup>. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, “топишмоқ” анча қадимий жанр бўлиб, дунёнинг турли нуқталарида яшовчи турли миллат ва халқ вакиллари ундан фойдаланиб келишган. Даставвал оғзаки жанр сифатида кўрилган ушбу матнлар вақт ўтиши билан ёзма манбаларга ҳам муҳрланган.

Топишмоқларнинг филологик жиҳатдан илк бор ўрганилиши Аристотель номи билан боғлиқ. Унингча, “...амалда топишмоқнинг моҳияти ҳақиқатан мавжуд бўлган нарса тўғрисида сўзлаш, шу билан бирга, бутунлай мумкин бўлмаган нарсаларни бирлаштиришдир. Бунга кўп қўлланиладиган сўзлар воситасида эришиб бўлмаса, метафоралар орқали мумкин, масалан: “Қалқон билан инсонни олов-ла бириктирган, эрни кўрдим мен” ва шу кабилар”<sup>32</sup>.

Топишмоқларнинг вужудга келиши узоқ тарихга бориб тақалишини, унда муайян халқнинг менталитети, миллий-маданий жиҳатлари ифодаланишини ҳисобга олсак, уни топувчи ўша халқнинг тарихий ўтмиши, турмуш тарзи ва унга боғлиқ бўлган жиҳатлар билан таниш бўлиши лозим, ҳар ҳолда ушбу бохабарлик топишмоқлар ечимини осон топишга йўл очади. Зеро, халқ фольклори менталитетни ўрганишнинг муҳим манбаи саналади. Шундай экан, яширишга, сир тутишга асосланган бу каби поэтик асарлар, яъни жумбоқли матнларнинг тили, структураси, семантик ва прагматик хусусиятлари ҳақида сўз юритиш умумназарий тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

**“Тилшуносликнинг янги йўналишлари ва энигматика”** деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи фаслида тилшунослик соҳаларининг жумбоқларни ўрганиш ва таҳлил қилишдаги аҳамияти очиб берилган. Табиийки, тил моҳиятида бу йўналишлардан бирининг борлиги бошқасининг мавжудлигини инкор қилмайди. Айтайлик, социаллик (ижтимоий жиҳат)нинг мавжудлиги унда психиклик (руҳий жиҳат) ҳам бор бўлиши мумкинлигини рад этмайди. Шунинг учун тилнинг моҳиятини очишда мазкур хусусиятларнинг барчасини ҳисобга олиш лозим<sup>33</sup>.

Тилшуносликда социалингвистик йўналиш кам ўрганилганлиги боис, бу борада бирмунча тадқиқот ишларига эҳтиёж борлиги сезилади. Айниқса, биз таҳлилга тортмоқчи

<sup>30</sup> Қаранг: Сендерович С.Я. Морфология загадки. – М.: Языки славянской культуры, 2008; Кёнгес-Маранда Э. Логика загадок / Н.Кузьмина таржимаси // Паремнологический сборник. Пословица. Загадка (структура, смысл, текст). – М., 1978; Taylor A. English Riddles from Oral Tradition. Berkley ; Los Angeles, 1951; Green T.A, Pepicello W.J. The Folk Riddle: A Redefinition of Terms // Western Folklore. 1979. Vol. 38, № 1; Abrahams R. D., Dundes A. Riddles // Folklore and Folklife: The Introduction. University of Chicago Press, 1972.

<sup>31</sup> [www.innovateus.net/innopedia/history-riddles](http://www.innovateus.net/innopedia/history-riddles)

<sup>32</sup> Арасту. Поэтика (Ахлоқи кабир.Риторика) .Янги аср авлоди. – Тошкент, 2010. – Б.57.

<sup>33</sup> Маҳмудов Н. Ўзбек тили социалингвистикаси муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2020. –№3.– Б.5.

бўлган энigmatик матнлар, хусусан, топишмоқлар, мантикий саволлар, кроссвордлар, ребуслардаги социал жиҳат – уларнинг болалар ва катталар топишмоқларига ажратилиши, улардаги мазмуний хилма-хиллик ҳали тадқиқот ишларида батафсил ўрганилган эмас.

Тилшуносликда янги йўналиш сифатида тараққий этиб бораётган когнитив лингвистика тамойилларига кўра, тил орқали оламни англаш ва идрок қилишда муҳим аҳамият касб этадиган концептлар воситасида оламнинг лисоний манзараси тил ташувчилари онгида шакллантирилади. Хусусан, энigmatик матндаги воқеликни акс эттириш тил воситасидагина эмас, балки инсоннинг тафаккурида юз беради. Яъни даставвал объектнинг концептуал манзараси инсон онгида акс этади. Шундан кейингина тафаккурда юзага келган ментал воқелик тилга кўчади ва лисоний манзарани юзага келтиради.

Оғзаки ижод намуналари бўлган топишмоқларни ўрганишда этник омиллар (халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, миллий анъаналари, фалсафий ва диний қарашлари) ҳам аҳамиятли жиҳатлар ҳисобланади. Зеро, улар ёзувсиз ҳам муайян халқнинг ўзига хосликларини аждодлардан авлодларга ташувчилар бўлиб хизмат қилмоқда.

Прагмалингвистика янги соҳа бўлганлиги учун ҳам турли йўналишлардаги тараққиётни тақозо этади. Энigmatик матнларга хос бўлган денотатни ўз номи билан атамаслик, унга ишора қилиш каби белгилар прагмалингвистиканинг “дейксис назария”си деб номланувчи “ички”соҳа<sup>34</sup>лари томонидан ҳам ўрганилиши мумкин. Энigmatик матнлар тадқиқидаги энг асосий хусусиятлардан бири уларнинг ишоравийлик функциясидир.

Кейинги вақтларда ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигманинг муҳим соҳаларидан бири бўлган лингвокультурологияга бўлган қизиқиш ортанлигини кузатиш мумкин. Жумладан, профессор Н.Маҳмудов, Э.Бегматов, А.Нурмоновларнинг ушбу соҳага алоқадор бўлган мақолалари эълон қилинди<sup>35</sup>. Албатта, ўзида муайян халқнинг маданий белгиларини намоён этаётган топишмоқларни лингвокультурологик жиҳатдан таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқдир. Олимларнинг бу борадаги изланишларини ўрганар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқ топишмоқларини ўзи мансуб бўлган маданият фонида кўриб чиқиш кутилган натижаларни беради.

Психоллингвистик жиҳатдан энigmatик матнларнинг инсон руҳиятига таъсири шундан иборатки, уларда сўзловчи томонидан айтилаётган фикр топшириқ шаклида намоён бўлади ва тингловчини ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади, яъни берилган саволнинг жавобини топишга ундайди. Шу йўсинда Дж.Р.Серль концепциясига кўра<sup>36</sup>, ўзида директив (ундаш) актини намоён этади.

